

Намоз - дунё ғам-ташвишларидан фориғ қилувчидир



10:00 / 20.12.2022 1656

- Намоз - банданинг қиёмат куни энг аввал ҳисоб қилинадиган амалидир.
- Намоз - агар тузалса, қолган бошқа амаллар ҳам тузалиб, ислоҳ бўладиган, агар бузилиб, фасод бўлса, қолганлари ҳам фасод бўладиган ишдир.
- Намоз - фаҳш, бузуқ ва мункар ишлардан қайтаради.
- Намозни ўз вақтида ўқиш Аллоҳга суюкли, ёқадиган амаллардандир.
- Намоз - мўминлар учун вақти белгиланган фарз амалдир.
- Намоз - нурдир.
- Намоз - дунё ғам-ташвишларидан (фориғ қилувчи) роҳатдир.
- Намоз - сабабли Аллоҳ (банданинг) гуноҳларини ўчиради.
- Намоз - банда ва Роббиси ўртасидаги муножот, сўзлашувдир.
- Намоз - Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рафиқул Аълога кўчиши (вафот этиши)дан аввал (мусулмон умматига) васият қилган амалдир.
- Намозни (сабабсиз) тарк қилган киши куфр амални қилган бўлади.

Манба: @arabicuz